

## МОНОЛОГИК НУТҚНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВА ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Зилола Исмаиловна САЛИШЕВА

Фалсафа фанлари доктори (PhD)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

## ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ И ПСИХОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ МОНОЛОГИЧЕСКОЙ РЕЧИ

Зилола Исмаиловна САЛИШЕВА

Доктор философии по педагогическим наукам (PhD)

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

## FUNCTIONAL AND PSYCHOLINGUISTIC FEATURES OF MONOLOGICAL SPEECH

Zilola Ismailovna SALISHEVA

Doctor of Philosophy (PhD)on Pedagogical Sciences

Uzbek State World Languages University

Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 378.147:811-25.

### For citation (иқтибос келтириш

### учун, для цитирования):

Салишева З.И. Монологик нутқнинг функционал ва психолингвистик хусусиятлари// Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 5 (40). — С. 69-87.

<https://doi.org/10.36078/1638865287>

Received: August 25, 2021

Accepted: October 17, 2021

Published: October 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Тил ва нутқ ўзаро узвий боғлиқ ҳамда мураккаб ҳодисалар бўлиб, артикуляцион, физиологик, руҳий, ижтимоий фаолиятлар натижаси ҳисобланади. Шу боис тил ва нутқ масалалари тилшуносликнинг ҳам, психологиянинг ҳам, методиканинг ҳам ўрганиш объекти саналанади. Тилшуносликда нутқ тилнинг маҳсулси сифатида ўрганилса, психология нутқ жараёнининг индивид билан боғлиқ хусусиятларини ва физиологик механизмларини таҳлил қилиши билан шугулланади. Боғланишли нутқ шаклидаги мулоқот жараёни мураккаб бўлиб, сўзловчи мулоқот юритиш учун миясида юзага келган фикрни тугал бир шаклда идрок қилиб олгач, уни ташки нутқда ифода қилишга киришади. Шунга кўра, монологнинг ички ва ташки турлари ажратилади. Нутқ аввалдан режалаштирилган ва тайёрланган бўлиши, айни пайтда у режалаштирилмаган ва, табиийки, тайёрланмаган нутқ бўлиши ҳам мумкин. Нутқнинг режалаштириш жараёни ички нутқ деб аталиб, унда сўзловчи ўзи ифода кильмоқчи бўлган фикрларга мос лисоний воситаларни танлай бошлади. Ботиний ва зоҳирий нутқ тушунчалари қадимги Шарқ алломалари ҳамда қадимги грек файласуфлари асарларида ҳам ўзига хос ўрин тутган, ботиний нутқ зоҳирий нутқни тайёрлаб берувчи муҳим омил сифатида тавсифланган. Тилни ўрганиш жараёнида маҳсус ички нутқни ривожлантиришга эътибор каратиш лозим, чунки ҳар қандай нутқ биринчи навбатда ички нутқдан бошланади, кейин у ташки нутқда намоён бўлади. Ички нутқ фаолиятини ўрганиш, айниқса, иккинчи тилни ўргатишда муҳим аҳамиятга эга. Нутқнинг юзага келиши, аввало, унинг лингвистик жиҳатларига боғлик. Нутқ

жараёнида тил материалларини ўзаро боғлиқ шаклда қўллаш талаб қилинади. Монолог нутқ — юқори даражада коммуникатив, маълумот берувчи бирлик ва ўз фикрларини маърузачи томонидан изчил ифода этиладиган фаолият. Психологик ва лингвистик нутқай назардан, нутқнинг бу тури диалогик нуткка караганда анча мураккаброқ. Монологик нутқ кўнкималарига эга бўлиш бир вақтнинг ўзида ҳам мантикий-психологик, ҳам лингвистик дастурнинг бажарилиши билан боғлиқ.

**Калит сўзлар:** монолог; ички ва ташки нутқ; тайёрланган ва тайёрланмаган нутқ; фикрни дастурлаш; грамматик таркиб; лексик бирлик; иккинчи тил; боғланишилилк; узвийлик; мантикий изчиллик; контекстуаллик; баёний; тасвирий; мухокама матн.

**Аннотация.** Язык и речь, являясь взаимосвязанными и сложными явлениями, считаются результатом артикуляционной, физиологической, душевной, социальной деятельности. В связи с этим вопросы языка и речи считаются объектом изучения и языкоznания, и психологии, и методики. В языкоznании речь изучается в качестве продукта языка, психология занимается анализом физиологических механизмов и особенностей связи речевого процесса с индивидом. Процесс общения в виде связной речи является сложным, говорящий для общения, сначала осмыслив появившуюся у него в голове мысль, выражает её во внешней речи. Исходя из этого, монолог разделяется на внутренний и внешний виды. Речь может быть как заранее запланированной и подготовленной, так и незапланированной и неподготовленной. Запланированный процесс речи называется внутренней речью, здесь говорящий начинает выбирать подходящие языковые средства для того, чтобы выразить свою мысль. Понятия внутренней и внешней речи занимали особое место в произведениях восточных мыслителей и греческих философов, внутренняя речь описывалась как важнейший фактор для подготовки внешней речи. В процессе обучения языку особое внимание необходимо уделять развитию внутренней речи, потому что любая речь сначала начинается с внутренней речи, потом проявляется во внешней речи. Важное значение имеет исследование деятельности внутренней речи, особенно в обучении второму языку. Порождение речи, прежде всего, зависит от ее лингвистических аспектов. В процессе говорения языковые материалы требуется применять во взаимосвязанном виде. Монологическая речь является в высшей степени коммуникативной, информативной единицей и деятельностью для связного выражения своих мыслей говорящим. По психологическому и языковому аспекту данный вид речи является намного сложней по сравнению с диалогической речью.

**Ключевые слова:** монолог; внутренняя и внешняя речь; подготовленная и неподготовленная речь; программирование речи; грамматический строй; лексическая единица; второй язык; связность; непрерывность; логически последовательность; контекстуальность; повествование; описание; рассуждение.

**Abstract.** Language and speech, being interconnected and complex phenomena, are considered to be the result of articulatory, physiological, mental and social activity. In this regard, the issues of language and speech are an object of study of linguistics, psychology and methodology. Speech is studied as a product of language in linguistics, psychology deals with the analysis of physiological

mechanisms and features of the connection between the speech process and the individual. The process of communication in the form of coherent speech is difficult, as the speaker in order to communicate, first formulates the idea and thoughts in his/her mind, and then, expresses it in external speech. Based on this, the monologue is divided into internal and external forms. Speech can be either planned and prepared in advance, or unplanned and unprepared. The planned speech process is called internal speech, here the speaker chooses the appropriate language means in order to express his/her thought. The concepts of internal and external speech have a special place in the works of oriental thinkers and Greek philosophers, where internal speech was described as the most important factor for the preparation of external speech. Therefore, in the process of language learning, a special attention should be paid to the development of internal speech, as any speech first begins with internal one, then manifests itself in external speech. In the process of speaking, language materials are required to be applied in an interconnected form. Monologue speech is a highly communicative, informative unit and considered as an activity for the coherent expression of thoughts by the speaker. In terms of the psychological and linguistic aspect, this type of speech is much more complicated in comparison with dialogues


**Keywords:** monologue; internal and external speech; prepared and unprepared speech; speech programming; grammatical structure; lexical unit; second language; coherence; cohesion; logical consistency; contextuality; narration; description; reasoning.

**Кириш.** Жаҳон цивилизациясининг ҳозирги даврида мамлакатлараро иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорликнинг, дипломатик алоқаларнинг кенгайиши тилларни ўрганишни, ёшларнинг нутқ маданияти ва мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Жаҳонда оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини, хусусан, иккинчи тил таълимида боғланишли монологик нутқ малакаларини ривожлантиришнинг функционал ва лингвопсихологик жиҳатларини ўрганишга, тилдан амалий фойдаланиш самарадорлигини оширишга, миллый корпузлар яратилишига алоҳида эътибор қаратилемоқда. Жумладан, ривожланган мамлакатларнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитиш, унинг миллый корпусини яратиш бўйича илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда.

Тил муайян жамоа аъзоларининг асосий мулоқот воситаси сифатида жамиятда тафаккур ривожига, илм-фан, маданий-тарихий анъаналарнинг авлоддан авлодга етказилиб берилишига хизмат қиласди. Буюк немис файласуфи Вильгельм фон Гумбольдтнинг “Тил халқлар рухининг зоҳирий намоён бўлишидир: халқнинг тили унинг руҳидир ва халқнинг руҳи унинг тилидир, булардан-да бир-бирига айнан мос бошқа бирон нарсани тасаввур килиб бўлмайди” (2, 68) деган фикри тилнинг нутқ воситасида юзага чиқишининг исботидир. Дарҳақиқат, нутқ тил белгиларининг ифодаланаётган маълумот-ахборот талабидан келиб чиқсан ҳолда муайян қоидалар асосида берилиши бўлиб, у артикуляцион, физиологик, руҳий, ижтимоий фаолиятлар натижаси саналади. Шу боис тил ва нутқ масалалари тилшуносликнинг ҳам, психологиянинг ҳам, методиканинг ҳам ўрганиш обьекти ҳисобланади. Тилшуносликда нутқ тилнинг маҳсулси сифатида ўрганилса, психология нутқ жараёнининг индивидуал шахсга боғлиқ хусусиятлари ва физиологик механизmlарини таҳлил қилиш билан шуғулланади. И.А. Бодуэн де Куртенэ нутқ фаолиятининг психологик моҳиятига алоҳида аҳамият берган ҳолда, инсон тилининг

мавжудлиги ва тараққиёти психологик қонунлар билан узвий боғлиқ ҳодиса эканлигини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, нутқ ва тилдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса психик жараён билан боғлиқ, бир-бирини ривожлантириб ва тўлдириб туради” (17, 13).

Нутқ фаолияти инсонлар ўртасидаги муомала жараёни бўлиб, у турли вазиятларда инсонлар ўртасида юзага келадиган мулоқотни таъминлайди. Фаолият инсон ҳаётининг, унинг воқеликка нисбатан фаол муносабатининг рўёбга чиқиш шакли бўлиб, шахснинг мақсадлари, дунёқараши, эътиқод-қизиқишилари, эҳтиёж-майллари, шунингдек, кўникма, малака ва одатлари фаолият мотивлари ҳисобланади. Мулоқот қандай усуlda ва қайси воситалар ёрдамида амалга ошишига кўра нутқ фаолияти муайян турларга бўлинади. Психологик жиҳатдан нутқ фаолияти жараёни 1) мулоқотга киришиш истаги ва нутқ ғоясининг юзага келиши; 2) нутқнинг шаклланиш жараёни; 3) нутқнинг юзага чиқиш, амалга ошириш жараёни (13, 4) босқичларини қамраб олади (1.1-расм).



**1.1-расм. Нутқ фаолияти жараёни босқичлари**

Демак, нутқий фаолият жараёни, аввало, мулоқотга киришиш истаги ва нутқ ғоясининг юзага келишидан бошланади. Мулоқотга киришиш истаги эса сўзловчининг бирор ҳаётий эҳтиёжи таъсирида пайдо бўлади. Ушбу психологик жараёнлар нутқ фаолиятининг дастлабки — нутқка тайёргарлик босқичини ташкил этади. Нутқ фаолиятининг иккинчи босқичи — нутқнинг шаклланиш босқичи бўлиб, у нутқ мақсадини юзага чиқариш учун фикрларни шакллантириш, яъни фикр ифодаси учун зарур тил воситаларини танлаш, ажратиб олиш жараёnidан иборат бўлади. Учинчи босқич нутқ фаолияти жараёни эса нутқнинг амалга ошиши, юзага чиқишидан иборат.

Нутқ фаолияти кўп томонлама мураккаб жараён бўлиб, қуйидаги жиҳатлар уни тавсифловчи асосий белгилардир:

1. Вазифа-функциялари: коммуникатив, экспрессив, кумулятив.
2. Нутқ турлари:
- 1) Ифода шакллари: ички ва ташқи; оғзаки ва ёзма; вербал ва новербал;
- 3) Нутқ иштирокчилари: монолог, диалог, полилог;

- 4) Ифода воситалари: товушлар, имо-ишора ва мимикалар;
3. Нутқ фаолияти турлари: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш.
4. Мазмуний сифатлари: боғланишлилик, тушунарлилик, ифодавийлик.

Инсон нутқи, аввало, тилнинг товушли шаклидир. Сўзловчи оғзаки нутқ жараёнида сұхбатдошига ниманидир билдириши, мантикий ургудан фойдаланиб, маълум бир сўзни алоҳида таъкидлаб кўрсатиши, ўз муносабатини мимика, кўл, кўз, бош ҳаракати билан англатиши мумкин. Оғзаки нутқ аввало нутқнинг товушли шакли бўлса-да, у оҳанг ва турли имо-ишоралар билан ҳам боғлиқ. Демак, тилнинг вербал шакли ҳисобланувчи оғзаки нутқ новербал шакллар билан ҳам узвий боғлиқ бўлади. Ёзма нутқ эса оғзаки нутқ асосида ривожланади ва синтактик жиҳатдан тўлиқлиги ва анча мукаммаллиги билан тавсифланади.

**Асосий қисм.** Нутқ жараёни нутқни юзага келтирувчилар иштирокига кўра монолог, диалог ва полилог турларига ҳам бўлинади. Бир шахс нутқи **монолог** деб аталиб, фақат сўзловчи ёки матн тузувчи тилидан ёзилади ёки оғзаки баён қилинади. Монолог юнонча *monos* — бир ва *logos* — таълимот сўзларидан олинган бўлиб, бир шахс томонидан фикрларнинг давомий тарзда изчиллик ва узвий боғлиқ ҳолда баён этилишидир. Икки шахс нутқи эса **диалог** деб аталиб, унда сўзловчи ва тингловчи орасидаги фикр алмасиши жараёни, ўзаро сұхбат, савол-жавоблар ифода қилинади. Мулоқотда иккidan ортиқ шахс иштирок этса, бундай нутқ тури **полилог** деб номланади. Демак, монолог якка шахснинг нутқи сифатида, диалог икки кишининг сұхбати сифатида, полилог эса бир неча шахснинг ўзаро мулоқоти сифатида тавсифланади. Ушбу нутқ турларининг ҳар бири ўзига хос лисоний ва психологик хусусиятларга эга.

Диалог ва полилогларда сұхбатда иштирок этувчи шахсларнинг нафақат психологик-рухий ҳолати, балки сұхбат кечаетган вазият, нутқ оқимининг бориши, сўзловчи ва тингловчининг сұхбатдаги ўрни, сұхбат мавзусига эътибори кабилар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу нутқ турларида тингловчининг реакциясидан келиб чиқиб, нутқ давом эттирилиши ёки қисқартирилиши, ҳатто нутқ мавзуси ўзгартирилиши, тингловчиларнинг дикқатини тортиш мақсадида айнан бир гап бир неча марта тақрор айтилиши, ўйналтирувчи саволлар ёрдамида нутқ мавзусини ўз мақсади томон буриши ҳам мумкин. Диалогик нутқда вазият жуда муҳим ўрин тутади. Кўпинча диалог ва полилоглар ўз-ўзидан тасодифий учрашув жараёнида ёки бирор воқеа-ходиса таъсирида юз бериши ва вазиятдан келиб чиқкан ҳолда кутилган — ижобий ёки кутилмаган — салбий натижаларни бериши мумкин. Нутқнинг бу турида мимика, имо-ишора каби новербал — экстралингвистик воситалар ҳам муҳим ўрин тутади. Диалогларда ҳатто нутқдаги узилишлар, тўхтамлар, тақрорлар ҳам муайян мақсадга хизмат қилиши мумкин.

Монологик нутқда эса, диалог ва полилоглардан фарқли ўлароқ, тингловчилар реакцияси фақат таҳмин қилинади. Имо-ишора, мимика ва бошқа экстралингвистик воситалар нутқда ҳамиша ҳам ижобийлик касб этмайди. Жумладан, узилишлар, тўхтамлар, товуш чўзиқликлари монологик нутқ турида артикуляцион-физиологик ёки лингвистик нуқсон сифатида баҳоланиши мумкин. Қисқа мулоқот шакли ҳисобланувчи диалоглардан фарқли ҳолда монологик нутқ муайян мавзу бўйича кенгайтирилган ахборотдан иборат бўлиб, бунда айтилмоқчи бўлган фикр ҳақида етарли даражада кенг ва тўлиқ

маълумот бериш қўзда тутилади. Нутқнинг монологик туррида сўзловчининг ўзи берайтган ахборотни тўлиқ шаклда, тақрорларсиз ва турли ифода воситаларидан фойдаланган ҳолда баён этиши ўта муҳимдир. И. И. Антонова монологик нутқнинг ўзига хос жиҳатларидан бири мантиқийлик, изчиллик, синтактик мазмуний ва интонацион бутунликни сақлаган ҳолда сўзловчи томонидан фикр ифодаси учун зарур турли лисоний воситаларни алмаштириб туриши эканлигини таъкидлайди (1, 62). Г.В. Рогова эса “монологик нутқ оғзаки боғланишли фикр, фикрнинг бир киши томонидан баён қилиниши” (16, 101) дея таърифлайди ва “боғланишли фикр” тушунчасини қатор мантиқий, кетма-кетликда, оҳанг жиҳатдан тузилган, яхлит мазмун ёки фикр предмети билан ўзаро боғлиқ бўлган гаплардан иборат боғланишли фикр сифатида тушунтиради. Таникли психолог И. А. Зимнянинг таъкидлашича, “монологик нутқ диалогнинг катта ёки кичик бир қисми бўлиб, доимо сухбатдошнинг мавжудлигини тақозо этади” (7, 12). А. А. Леонтьевнинг фикрича эса, “Монологик нутқ бир кишининг нутқи бўлиб, узоқ вақт жараёнида ўз фикрини баён қилиши ёки билимлар тизимининг бир киши томонидан изчилликда боғланишли шаклда ифодаланиши”dir (11, 127). Ушбу фикрда монологик нутқка бевосита тааллуқли бўлган уч асосий хусусият: монологик нутқнинг бир киши, яъни якка шахснинг нутқи эканлиги, давомийлиги (муайян вақт давом этиши) ва фикрни изчилликда боғланишли ифодалашга хизмат қилиши тўғри қайд этилганини кўриш мумкин.

Шунингдек, монологик нутқ шакли диалогик нутқдан фарқли равища берилаётган ахборот оқими мазмунан ва шаклан аввалдан тайёрланганлиги билан фарқланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, монологик нутқ натижаси, одатда, нутқка тайёргарлик даражаси, ахборотнинг баён қилиниш шакли, мазмуннинг мантиқийлиги, нутқнинг равонлиги, мақсадга мувофиқлигига, яъни сўзловчининг билим даражаси ва нутқий маҳоратига ҳам боғлиқ бўлади. Монологик нутқнинг энг муҳим белгиларидан бири сўзловчининг тингловчилар дикқатини ўз нутқи таъсири доирасида ушлаб туришидир. Диалогик нутқда эса, аксинча, йўналтирувчи қўшимча саволлар муҳим роль ўйнайди. Бунда сўзловчи томонидан саволнинг тўғри қўйилиши, тингловчи жавобини эшита билиши, зарурият пайдо бўлганда, саволлар шаклини ўзгартира олиши, яъни диалогни бошқара олиши муҳим аҳамият касб этади. Демак, монологик нутқ **юқори даражадаги коммуникатив, информатив бирлик бўлиб, сўзловчининг ўз фикр-мулоҳазасини боғланишли ифодалаш фаолиятидир**. Ушбу нутқ тури диалогик нутқка нисбатан психологик ва лисоний жиҳатдан анча мурakkab жараён бўлиб, сўзловчидан ўз фикрларини аниқ, ўзаро изчил ва узвий боғлиқликда ифодалаш кўнинмаларини талаб этади. Шу боис монологик нутқ малакаларини ўзлаштириш, эгаллаш кўпроқ меҳнатни талаб киласди.

Монологик нутқнинг бирламчи муҳим хусусияти — унинг узвийлиги бўлиб, бунда сўзловчи ахборотни мавзуга йўналтирувчи қўшимча саволлар ёрдамисиз изчил тарзда баён этиши зарур бўлади. Бунинг учун фикр ёйик, бир қадар кенгроқ ифодаланиши, жумлалар грамматик жиҳатдан тўғри тузилиши ва онгли равища танлаб ишлатилиши талаб этилади. Шуни ҳам қайд этиш керакки, ёйик ва узлуксиз шаклда баён этилаётган монологик ахборот айни пайтда тугалланган характеристерга эга бўлиши ҳам керак. Бунинг учун дастлаб ахборот мавзуси шакллантирилиши, сўнгра у изчил равища кенгайтириб борилиши, ахборот сўнгига айтилганлардан хулоса

чиқарилиши талаб қилинади. Сўзловчи ўз фикрининг баёни давомида унинг мантиқий изчиллигига дикқат-эътибор қаратиши, узуқ-юлук сўзламаслиги, изчилликка эришиш учун эса айтмоқчи бўлган фикрларини аввалдан режалаштириб олиши керак бўлади. Монологик нутқда ахборотнинг тугалланган характерга эга бўлиши берилаётган ахборотнинг бир-бирига узвий боғлиқ ёйиқ гаплар билан ифодаланишига ва муайян контекст ҳосил қилишига олиб келади. Нихоят, ҳар бир монологда баён этилаётган ахборот муайян мақсадга йўналтирилганлиги билан ҳам фарқланадики, бу унинг таъсир кучини, тингловчилар томонидан тўлиқ қабул қилинишини кафолатловчи белгиларидан биридир. Бу ўринда товушларни ифода қилиш, гап оҳангиси, нутқ темпи каби воситалар ҳам аҳамиятли бўлиб, бу хусусиятлар монологик нутқнинг қўпроқ оғзаки шаклда баён қилиниши билан боғлиқдир. Келтирилган илмий таҳжиллар монологик ва диалогик нутқнинг бир қатор фарқли жиҳатлари мавжудлигини кўрсатади (1.1-жадвалга қаранг).

Психолог И. А. Зимняя фикрлар ифодасининг кетма-кетлиги, мантиқийлиги, тўлиқлилиги, боғлиқлиги монологик нутқнинг муҳим хусусиятлари эканлигини таъкидлайди (8, 55).

### 1.1-жадвал. Монологик ва диалогик нутқҳо саволлар

<b>Монологик нутқ хусусиятлари</b>	<b>Диалогик нутқ хусусиятлари</b>
<p>Якка шахсга ҳослик. Богланишлилик, узвийлик, мантиқий изчиллик, мақсадга мувофиқлик, тугалланганлик, ихтиёрийлик. Грамматик тўғри тузилганлик. Контекстуаллик, аввалдан матн шаклида тайёрланганлик. Товуш воситалари (овоз, талаффуз ва оҳанг) билан боғлиқ ифодавийлик, таъсирчанлик.</p>	<p>Икки томонлама характерга эгалик (камиди икки шахснинг ўзаро мулоқоти шаклида юзага келиши). Тайёрланмаган нутқ шаклида юзага келиши. Биринчи сұхбатдошнинг нутқий фаолияти иккінчи сұхбатдошнинг нутқий фаолиятига боғлиқлиги. Вазиятлилик ва нисбатан қисқалик. Сұхбатнинг йўлловчи саволлар иштирокида бориши.</p>

А. П. Запорожченко чорак аср аввал айнан “изчиллик ва мантиқийлик, фикрининг тугаллиги ва ўзаро боғлиқлиги монологик нутқнинг контекстуаллигидан келиб чиқадиган муҳим белгиларидан биридир”, деб қайд қилган эди (9, 21).

Умуман, психологлар фикрича, монологик нутқ ҳам диалогик нутқ каби муайян мақсадга йўналтирилган ва аниқ вазиятдан келиб чиқадиган бўлиши, яъни тингловчига бирон-бир ахборотни етказиш истаги пайдо бўлиши керак. Вазият монолог учун бошланғич нұқта саналади, сўнгра у секин-аста контекста айланади. Монологик нутқ контекстуаллиги туфайли “ўз-ўзидан” англашиладиган, яъни диалогик нутқда муҳим ўрин тутадиган қўшимча лингвистик ва экстралингвистик воситаларсиз тушунарли бўлиши керак. Айтилганлардан келиб чиқиб, биз монологик нутқни қўйидагича таърифлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: **Монологик нутқ якка шахс томонидан баён этилаётган воқеа-ҳодиса, нарса ёки шахсни тавсифлаш, тасвирлаш, у ҳақда хабар, маълумотни муайян мантиқий изчилликда ва узвий боғлиқ ҳолда беришга асосланган боғланишли нутқdir.**

Кўринадики, монологик нутқ ниҳоятда мураккаб, серқири жараён бўлиб, ўзига хос психологияк, физиологияк, лингвистик ва ҳатто экстравингикик хусусиятларга эга. Монологик нутқ масалалари хорижий тилларда кенг ўрганилган, бироқ унинг асосий хусусиятлари, нутқий фаолият босқичлари масаласида қарашлар уйғун эмас. Айрим олимлар ва методистлар монологик нутқни оммавий коммуникация воситаси деб хисобласалар (масалан, Е. И. Пассов), айримлар (жумладан, В. Голубков, Н. Ю. Шведовалар) монологик нутқни импровизациялашган нутқ сифатида тавсифлайдилар (15, 135), Л. И. Лазаревич ва Г.А. Костюклар эса монологик нутқни тайёрланган ва тайёрланмаган нутқ шаклларига бўлган ҳолда талқин этадилар (15, 139).

Ҳақиқатан ҳам, боғланишли нутқ шаклидаги мулоқот жараёни мураккаб бўлиб, сўзловчи мулоқот юритиш учун миясида юзага келган фикрни тугал бир шаклда идрок қилиб олгач, уни ташки нутқда ифода қилишга киришади. Айнан шу вақтнинг ўзида унинг онгидаги фикр туғила бошлайди. Шундай тартибида юзага келадиган ҳар бир фикр аввал ифода қилинган фикр билан чамбарчас боғланган бўлади. Бундай боғланиш фикрларнинг бир-бирини тўлдириши, изоҳлаши, тасдиқлаши орқали намоён бўлади. Боғланишли нутқ таркибидаги ҳар бир фикр етказилиши керак бўлган ахборотнинг муайян қисмини қамраб олган бўлади. Бу жараён муайян фикрларни бевосита ифода қилиш учун зарур бўлган тил воситаларини танлаб олиш тил кўникмаси ва нутқ малакасига таянилган ҳолда амалга оширилади. Тилга оид қоидаларни амалий кўллаш кўникмалари ўз фикрларини муайян вазиятда эркин ифодалаш учун ўрганилган билимлардан фойдалана олиш малакаларига қараб ўсиб боради. Нутқий малака нутқий ҳаракатларни онгли равишда бошқара олиш қобилияти бўлиб, у нутқ фаолиятининг юкори даражаси хисобланади.

Монологик нутқ ўз хусусиятига кўра икки хил бўлиб, агар у персонажнинг тўғридан-тўғри бошқаларга қаратилган нутқи тарзида берилса, очик шаклдаги монолог ёки ташки монолог хисобланади. Айрим тадқиқотчилар, жумладан, Т.В. Рябованинг фикрича, фикрларни ташки нутқда ифодалаш учун муайян тил воситалари — жумлалар, сўзлар, товушларни танлаб олиш ва уларни вазиятга мос шаклда ифодалашни тақозо этади (14, 40) деб хисоблайди. Монолог персонажнинг ички нутқи, яъни ўз-ўзи билан сўзлашуви, сухбат тарзида ҳам берилиши мумкин. Бундай монолог ёпик шаклдаги монолог ёки ички монолог хисобланади.

Нутқий фаолият аввалдан режалаштирилган ва тайёрланган нутқ бўлиши, айни пайтда у режалаштирилмаган, тайёрланмаган нутқ бўлиши ҳам мумкин. Нутқ жараёни режалаштирилган шаклида нутқ мулоқотдан анча илгари мияда шакллантириб олинади. Бунда сўзловчи ўз фикрларини хаёлан ифода қила бошлайди. Айнан шу жараён ички нутқ деб аталади. Сўнгра сўзловчи ўзи ифода қилмоқчи бўлган фикрларга мос лисоний воситаларни танлаб, нутқини шакллантира бошлайди. Демак, **монологик нутқни ички нутқнинг грамматик томондан шакллантирилган ва овоз ёрдамида ифодаланган шакли**, деб аташ ҳам мумкин. Б. Ф. Баевнинг фикрича, “ўқув фаолияти инсон ҳаётида унинг ички нутқининг турлича шакллари ва вазифаларини юзага чиқаришга хизмат қиласи” (12, 67).

Кўринадики, монологик боғланишли нутқнинг юзага чиқиши фикрлаш жараёнини ички дастурлаштириш асосида рўй беради, яъни фикр, аввало, мияда шакллантирилади, унинг ифода шакли режалаштирилади, унга мос тил воситалари танланади ва ташки нутқ

сифатида юзага чиқарилади. Фикрни бир жойга тўплаш, нималар хусусида фикр юритиш кераклигини белгилаш, баён қилинадиган асосий фикрнинг моҳиятини англаш ички нутқни ривожлантиришнинг муҳим омиллариридир. Монологик нутқнинг мантиқий-мазмуний тузилиши аввалдан тайёрланган бўлгани учун кўпчилик психолог ва психолингвистлар айтилажак фикрнинг мияда йиғилган асосий мазмунини ички нутқ деб таърифлайдилар.

Нутқнинг ички ва ташқи кўринишлари, яъни ботиний ва зоҳирий нутқ тушунчалари қадимги Шарқ алломалари асарларида ҳам, қадимги грек файласуфлари асарларида ҳам ўзига хос ўрин тутган. Ушбу асарларда ички нутқ зоҳирий нутқни тайёрлаб берувчи муҳим омил сифатида тавсифланган (10, 15). Ички нутқ одамнинг ўзича, яъни ичидаги гапирадиган пассив нутқи бўлиб, у иккинчи кишининг иштирокини талаб этмайди. Шунинг учун ҳам бу нутқ ўз-ўзига айтилган, инсонда пайдо бўлган тушунчаларни жамлаш, қиёслаш ва танлаш жараёнидан иборат нутқ саналади. Ички нутқни ташқаридан назорат қилиб бўлмайди. Ички нутқ оғзаки ва ёзма нутқнинг асоси сифатида хизмат қиласди. Шунинг учун тил таълими жараёнида ички нутқни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериш лозим, чунки ҳар қандай нутқ аввал ички нутқ ҳолатида бошланиб, кейин ташқи нутқ шаклида намоён бўлади. Ички нутқ фаолиятини ўрганиш, айниқса, иккинчи тил таълимида муҳим аҳамиятга эга.

А. А. Леонтьев ички нутқка таъриф берар экан, ички нутқ билан грамматик томондан шакллантирилган ташқи нутқ шаклининг ўзаро муносабатида куйидагиларни фарқлашни тавсия этади:

- ички дастурлаш — сўзловчининг ўзи ҳали тўлиқ англаб етмаган нутқ моделини ичидаги чизиши, тасаввур этиши жараёни;
- ўзига ўзи сўзлаш — физиологик аъзоларнинг яширин артикуляцияси;
- нутқни ичидаги шакллантириш — нутқнинг ичда ўйланган, қисқартирилган шаклидир (10, 15).

Психологларнинг фикрича, ички нутқнинг тор ёки кенглик даражаси тоғоя, мақсад ва ифода мазмунига боғлиқ, бироқ у нутқнинг юзага чиқиши, яъни тингловчига айтилиш жараёнидагина аниқ шаклга эга бўлади. Агар мавзу сўзловчига яхши таниш бўлса, унинг барча кирраларини ўйлаб ўтирувчи, ички нутқий жараёнда ташқи нутқнинг мантиқий тузилмасигина белгилаб олинади. Аксинча, мавзу нотаниш бўлганда ички нутқ кенгрок тузилади. Сўзловчи ўз нутқнинг майдаги тил бирликларигача ичидаги ўйлаб олади. Шунингдек, айрим ҳолларда сўзловчи ўз ички нутқини ўзига ўзи гапириш орқали мустаҳкамлашга харакат қиласди. Бу ички дастурлаш жараёнини такомиллаштиришга хизмат қиласди. Тайёрланмаган нутқнинг ички дастурлаш жараёни эса тарқоқ бўлади.

Маълумки, нутқ фаолияти гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзиш кўнинма ва малакаларидан иборат бўлиб, улар бири иккинчисини тақозо этувчи, тўлдирувчи лисоний бирликлардир. Психологларнинг фикрича, гапириш, сўзлаш жараёни ҳам психологик жихатдан куйидаги 3 босқичдан иборат:

- 1) муайян мақсадга йўналтиришга чақириш — ўй-фикр, мулоҳаза юритиш жараёни;
- 2) аналитик-синтетик жараёни — фикрни шакллантириш жараёни;
- 3) амалга ошириш жараёни — нутқни юзага чиқариш, ифодалаш (12, 48).

Нутқнинг ўзи эса иккинчи босқичда — анализ-синтез жараёнида шаклланади. Иккинчи босқичда — муайян ўй-фикрни тил воситасида

шакллантириш фикр ифодалашнинг энг муҳим ҳисобланувчи гапириш жараёни амалга оширилади. Гапириш тил воситаларининг ақлий фаолият воситасида фаоллашуви, лисоний ифодаларнинг грамматик тузилмаларини иккинч тилга трансформациялаш жараёнидан иборат бўлади. Бунда лисоний воситаларни тил қонун-қоидалари асосида танлаш, ўй-фикрдан келиб чиқкан ҳолда уларни бир-бирига боғлаш, гурухлаш асосий механизмлардан бири ҳисобланади. Ушбу жараёнлар якунланиб, фикрлар жамлаб олингандан сўнг нутқ фаолиятининг учинчи — нутқни бевосита амалга ошириш босқичи бошланади. А.Ғ. Мухиддиновнинг таъкидлашича, мазкур босқичнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- муайян фикрни қамраб олган жумланинг ташқи нутқда аввал юзага чиқкан жумла билан боғлиқлигини таъминлаш;
- барча нутқ аъзоларининг ўзаро мувофиқлаштирган бир меъёрдаги ҳаракатларини таъминлаш;
- ташқи нутқнинг қандай амалга ошаётганлигини назорат қилиб туриш;
- нутқнинг сухбатдошга қай даражада таъсир этаётганлигини баҳолаш;
- сўзлаш жараёнида нутқ ғоясининг қай даражада амалга ошаётганлигини аниқлаш (13, 15).

Учинчи босқич гапиришни амалга ошириш жараёни ҳисобланиб, у нутқ товушлари артикуляцияси воситасида юзага чиқарилади ва юқорида қайд этилган барча фаолият турларини энг олий даражада амалга ошириш жараёнидан иборат бўлиб, унинг амалий натижаси эса зоҳирий нутқ, яъни ботиний нутқнинг тил воситалари ёрдамида ифодаланган шаклидир.

Албатта, нутқнинг юзага чиқиши, аввало, унинг лингвистик жиҳатларига, яъни гапириш механизмларига боғлик. Гапириш механизмларини — тил материалларини билмай туриб, нутқни ташки нутқ сифатида юзага келтириб бўлмайди. Тил материаллари тилнинг турли яруслари (бўлимлари)ни ўрганиш ва уларни ўзаро боғлаган ҳолда амалда кўллашни тақозо этади. Бу ўринда қайд қилиш жоизки, нутқнинг оғзаки ва ёзма, монологик, диалогик шаклларининг ҳар бири ўзига хос грамматик хусусиятларга эга бўлиб, улар турли лингвистик воситаларни кўллашни талаб этади. Жумладан, монологик нутқ лингвистик нутқтай назардан гапларнинг диалогик нутқдаги қисқа, тўлиқсиз гаплардан фарқли равишда тўлиқлиги, ёйиқлиги, фикрни баёний шаклда ифодалashi билан характерланади.

Грамматик ва лексик таркибига кўра оғзаки монологик нутқ ёзма нутқка яқин туради, яъни нутқнинг ушбу турида китобий нутқка хос синтактик бирликлар кўп қатнашади. Бу ўринда монологик нутқ соҳиби китобий ва жонли сўзлашув услуби бирликларидан ўз ўрнида ва усталик билан фойдаланиши лозим бўлади. Ушбу фикрларнинг барчаси фикрни мантиқий боғлаган ҳолда ифодаловчи мураккаб монологик нутқни эгаллашни кўзда тутади ва булар, асосан, гапларни боғловчи бирликлар — пайт равишлари (сўнг, сўнгра, кейин, аввал, олдин, дастлаб), сабаб-натижа маъносини ифодаловчи сўзлар (шунинг учун, шу сабабли, шу боис, чунки, натижада, оқибатда), кетма-кетликни, изчилликни ифодаловчи равишларни (кетма-кет, бирма-бир, бирин-кетин) тўғри қўллаш, гапда сўзлар тартиби, боғловчи ва боғловчи воситаларни тўғри танлай олишга боғлик бўлади.

Психологлар монологик нутқда сўзловчи ва тингловчи муносабатига ҳам жиддий эътибор қаратадилар. Уларнинг фикрича, сўзловчи ўз нутқини тингловчиларга мос ҳолда, яъни аудиториянинг

савиясидан келиб чиқиб тузиши, ўз фикрини ифодалашда равонлик, изчилликка ҳамда тингловчилар билан мулокотда бўлиб туришга жиддий эътибор бериши, тингловчиларни ўз фикрига далиллар келтириш орқали ишонтириши, уларнинг дикқатини мақсадга йўналтириш учун ўрни билан новербал экстравангвистик воситалардан, яъни қўл харакатлари, имо-ишоралар, юз ифодасидаги жестлар, мимика кабилардан ҳам фойдаланиши керак бўлади.

Таъкидлаш жоизки, фикрнинг аниқлиги, мантиқийлиги, етарли ахборотга эга бўлиш, фикрни далиллай олиш, фикрга муносабат билдириш, яъни субъектив баҳолай олиш монологик нуткнинг зарур хусусиятлари ҳисобланади. Одатда, монологик нутқ мақсадга мувофиқлик, тугалланганлик, ихтиёрийлик, мантиқийлик, изчиллик, тайёрланганлик каби хусусиятлари билан тавсифланади.

Монологик нутқий малакага эга бўлиш бир вақтнинг ўзида ҳам мантиқий, ҳам лисоний дастурни амалга ошириш, яъни сўзловчи ўз фикрини боғланишли тарзда равон баён этиши, матн ҳеч қандай узилишларсиз, жумлалар ўртасида тўхтамларсиз яхлит ҳолда айтилиши учун ички дастурлаш, яъни олдинги гапни айтиш жараёнида кейинги гап мазмунини ўйлаб олиш ва унга мос ифода воситаларини режалаштириб олишдан иборатdir. Иккинчи тил таълимida монологик нутқка ўргатишда шу хусусиятларни ҳам назарда тутиш, хусусан, мазмунни мантиқий боғлиқлиқда ифодалай олиш кўникмасини ҳосил қилиш, асосий фикрни ифодалашга, муайян мақсадга йўналтириш, айтилган фикр-мулоҳазалардан хулоса ва умумлашмалар чиқаришга ҳам ўргатиб бориш керак бўлади.

Кўринадики, нутқий фаолиятни эгаллаш нутқий ифодаларни юзага келтиришнинг турли механизмлари, хусусан, зарур нутқий бирликларни вазиятга мос ҳолда танлаш ва ижодий ишлаш кўникмаларини эгаллашни такозо этади. Бу, энг аввало, сўзлар ва уларнинг грамматик шаклларини танлаш ва жамлашдан бошланади. Н.И. Жинкин ушбу физиологик жараённи икки қисмга: нутқий фаолиятни юзага келтирувчи анализатор ва эшитиш анализаторига бўлиб ўрганган. Унинг қайд қилишича, биринчи босқичда сўзлар танлови кетади, иккинчи босқичда эса сўзларни ўзаро боғлаш жараёни кузатилади [7, 132]. Нутқ механизмларини шу тарзда трансформациялаш, яъни шаклланиш ва такомиллашиш жараёни факат нутқий фаолият шароитидагина, нутқий мулокотда юз берадиган ахборот алмашинуви орқалигина амалга ошиши мумкин. Ушбу механизmlар эса факат нутқий мулокотга эҳтиёж пайдо бўлгандағина ишга тушади.

Маълумки, иккинчи тил таълимining асосий вазифаси айнан шу нутқ механизмларини ишга тушириш, талабаларнинг ўрганаётган тилда ахборот алмашинув қобилиятини рўёбга чиқаришдан иборат. Бунинг учун талабаларда шу тилда гапириш эҳтиёжини юзага келтириш ва мазкур тилнинг лексик-грамматик имкониятларидан етарли даражада фойдалана олишни ўргатиш керак бўлади. Бироқ иккинчи тилда грамматик жиҳатдан тўғри сўзлаш кўникмаларини ва нутқий малакаларни ҳосил қилиш жараёни осонлик билан юз бермайди. Бунга, албатта, тил ўрганишга бўлган эҳтиёж даражаси (табиий ёки сунъийлик ҳолатлар), иккинчи тил ва она тили ўртасидаги фарқ-тафовутлар даражаси (тил интерференцияси) муҳим таъсир этади. Шулардан келиб чиқиб, айрим методик тадқиқотларда нутқни грамматик жиҳатдан тўғри шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, талабаларни француз тилида грамматик жиҳатдан тўғри монологик нутқ тузишга ўргатиш юзасидан

тадқиқот иши олиб борган Л.В. Волкова ўз изланишларида монологик нутқда ифодаланаётган мазмун ва унинг грамматик жиҳатдан тўғри шакллантирилишини бош мезон деб билади. Унинг фикрича, **монологик нутқ** мазмун нуқтаи назаридан тугалланган фикрни ифодаловчи грамматик жиҳатдан шакллантирилган ва ўзаро узвий боғланган композицион бутунлиқдан иборат (4, 26).

Монолог каби йирик лисоний бирликда ифодаланаётган фикрнинг мантиқийлиги, ҳар бир мулоҳазанинг бир-бирини тўлдирган ҳолда берилиши ва бир бутун ғояни ифодалашга хизмат қилиши нутқ мақсадининг бош шарти ҳисобланади. Бу, одатда, монологик нутқ учун танланган мавзудан келиб чиқади. Айни пайтда, ҳар қандай монологик нутқ сўзловчи етказмоқчи бўлган ахборот мавзусининг грамматик жиҳатдан қандай баён этилишига ҳам боғлиқ бўлади. Л. В. Волкованинг таъкидлашича, “Агар ифоданинг ички мазмуни ташқи нутқ юзага келганда ҳам сезилиб турган бўлса, бунда унинг мазмуни ва шаклини тахминий ўйлаб олиш алоҳида ўрин тутади. Бундай монологик нутқни ташаббускор нутқ деб аташ ҳам мумкин” (4,23). Тадқиқотчи талабаларнинг француз тилида грамматик жиҳатдан тўғри нутқ тузиш кўникмаларини ҳосил қилиш ва оғзаки монологик нутқий малакаларини автоматлаштиришга эришиш учун нутқ жараёнини қўйидаги З босқичда ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

- биринчи босқичда грамматик тузилмаларнинг айрим элементлари устида ишлаш;
- иккинчи босқичда уни муайян қисмларга бўлиб ўрганиш;
- учинчи босқичда тўлиқ тузилмани автоматлаштирилган ҳолда нутқ жараёнида кўллашга (4,26).

Л. В. Волкова ўз ишида грамматик механизmlарни шакллантиришда

П. Я. Гальпериннинг ақлий фаолият назариясига асосланган ва нутқий фаолият механизmlарининг мураккаблиги, иккинчи тил таълимида уларнинг самарадорлигига эришиш тилнинг турли яруслари — фонетика, лексика, грамматика бўйича бир-бири билан узвий боғлиқ кўникма ва малакаларни комплекс тарзда турли экстремал нутқий вазиятларда амал қилишига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқишни тақозо этишини таъкидлаган.

Нутқий фаолиятнинг монологик тури ҳамиша тилшунослар, психологлар, методистлар дикқат-эътиборида бўлган ва турли турларга бўлиб ўрганилган. Жумладан, академик В. В. Виноградов монологик нутқнинг: хиссий бўёқдор монолог, назмий (лирик типдаги) монолог, драматик монолог, ахборот типидаги монологларга (3, 98) бўлиб ўрганишни таклиф қилган. А. П. Запорожченко монологик нутқни: образли баёний монолог, конкрет баёний монолог, монолог-муҳокама, монолог-ҳикоя, монолог-даъват, монолог-ишонч (фикр, маслак), монолог-хуолоса (рағбатлантирувчи, қизиқтирувчи монолог-фикр, фаол монолог-фикр, якунловчи монолог-фикр)ларга ажратган (18, 14). Украин олимни Х. Д. Баранник эса украин тили материаллари асосида монологик нутқ турларини кўлланиш хусусиятларига кўра қўйидагича таснифлайди:

1. Функционал хусусиятларига кўра: ахборот-шарҳ, ахборот-баён, соф илмий, ўқув, оммабоп, соф оммабоп, суд-хукуқ, расмий, тантанали монологик нутқ.
2. Тузилиш хусусиятларига кўра: тайёрланган, тайёрланмаган монологик нутқ.

3. Нутқ вазиятига кўра: бевосита ёки билвосита алоқадор монологик нутқлар (5, 44).

Монологик нутқнинг психологик жиҳатларини ўрганган А. А. Леонтьев уни уч мезон асосида таснифлашни таклиф этади. Биринчи мезонга инсондаги нутқий қобилиятнинг ички структурал хусусиятларини, иккинчи мезонга тилнинг ижтимоий-психологик вазифаларига оид хусусиятларни, учинчи мезонга эса фикрни тил орқали юзага чиқариш билан боғлиқ хусусиятларни киритади (12, 286).

Нутқ турлари ва уларнинг ифода шаклларини ўрганиш, айниқса, таълим жараёни учун илмий ва амалий аҳамиятга молик. Ўқувчи-талабалар нутқнинг вазифавий шаклларини тўғри кўллай олишлари, аввало, уларни монологик нутқ функционал-мазмуний турлари билан таниширишни тақозо этади. Бироқ нафақат монологик нутқ турлари, балки уларнинг функционал хусусиятлари, монологик нутққа оид кўнікма, малакалар тўғрисидаги қарашлар ҳам бир хил эмас. Жумладан, И.Л. Бим боғланишли монологик нутқнинг қўйидаги тўрт турини ажратади:

1. Ахборот бериш — бирор хабар ёки маълумотни гапларни мантиқий изчилликда боғлаган тарзда ва турли далиллар воситасида баён этиш.

2. Ҳикоя қилиш — муайян нутқий қурилмалардан фойдаланган ҳолда ўзи, дўсти, мактаби, шахри, қишлоғи ҳақида сўзлаб бериш.

3. Тасвирлаш — сифатловчи иборалардан фойдаланиб, табиат, жой-макон, қиёфани тасвирлаш.

4. Тавсифлаш — фикрини асослаган ҳолда бирор шахсга тавсиф бериш [12, 278].

Л.В. Волкова эса монологик нутқни характери ва коммуникатив-нутқий мақсадига кўра олти хил: баён этиш — бирор нарса-буюм ёки шахснинг белги-хусусиятларини баён қилиш; тавсифлаш — кимнингдир ёки ниманингдир айрим жиҳатларини сифатлаб бериш; ахборот бериш — бирор воқеа-ходисани далиллар ёрдамида холис баён этиш; ҳикоялаш — бирор воқеа-ходисани сюжет асосида ҳикоя қилиш; тақриз — кимнингдир асари, тадқиқоти, кашфиёти ҳақида ўз фикр-мулоҳазасини билдириш; ҳисобот — бажарилган иш ҳақида далилий маълумот бериш (4, 27) турга бўлиб ўрганишни тавсия қиласи ва уларни ифода мақсадига кўра икки турга гурухлайди:

1. Ахборот типидаги монологлар. Уларга у ёки бошқа бир хабарни тингловчига етказишга қаратилган монологик нутқ турларини киритади.

2. Ишонтириш характеридаги монологлар. Ушбу турга тингловчини айтилаётган фикрнинг тўғрилигига ишонтиришга ундовчи монологик нутқ турларини киритади.

Методик тадқиқотларда ҳам монологик нутқ турлари кенг ўрганилган ва анча чукур тавсифланган. Жумладан, А.П. Запорожченко монологик нутқ турларини тўрт гурухга ажратиб, уларнинг ҳар бирига қўйидагича таъриф беради:

1. Монолог-баён (баёний монолог) — ўзига хос тузилмага эга бўлган ўзаро мазмуний боғлиқликдаги гаплар воситасида муайян объект белгиларини санаб кўрсатиш орқали баён этиш.

2. Монолог-ҳикоя — боғланишли гап тузилмалари ёрдамида воқеа-ходиса ва ҳаракатларнинг муайян вақт ичидаги изчиллигини баён этиш.

3. Монолог-ишонтириш — тингловчидаги муайян ҳаракат-ҳолатга нисбатан айрим мулоҳазалар, фикрлар ўйнотишга қаратилган боғланишли гап тузилмалари;

4. Монолог-муҳокама — айрим бир воқеа-ҳодисани далиллашга қаратилган сабаб-натижа маъноларини ифодаловчи боғланишли гаплар (18, 13).

Ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, монологик нутқни мазмуни ва тайёрлик даражасига кўра қуидаги гурухларга ажратиш мумкин:

I. Нутқ мазмунига қўра:

1. Баён — шахс, нарса-буюм, воқеа-ҳодисани тасвириш.

2. Хабар (ахборот) — бирон-бир ижтимоий-сиёсий мавзудаги фикри боғланишли ифодалаш.

3. Ҳикоя — воқеа-ҳодисаларни муайян изчиллиқда тушунтириш, сабаб-натижа муносабатларини ҳам акс эттириш.

II. Нутқнинг тайёрлик ҳолати ва даражасига қўра:

1. Тайёрланган нутқ. Бу аввалдан тайёрланган нутқ бўлиб, уларга маъруза, хабар, чиқишилар, табриклар киради.

2. Қисман тайёр нутқ. Қисман тайёрланган нутқ таркибиға қайта яратилган қисмлар қўшилиши кўзда тутилади. Уларни тайёрлаш жараёнида яна қўшимча маълумотлар киритиб бориш, далилий маълумотномалардан фойдаланиш мумкин.

3. Тайёр бўлмаган нутқ. Бу бевосита тайёргарлик кўрмай, мазкур чиқишини олдиндан ўйлаб кўрмай амалга ошириладиган нутқдир.

Хорижий тилларни ўқитишида монологик нутқнинг юзага келиш шароитларини ўрганган В.И. Невская монологик нутқ турларини шакл ва мазмуни жиҳатидан қуидагича тавсифлайди: Биринчи тур — тасвирий монологик нутқ оригиналлиги даражасига кўра шакл жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам оригинал эмас. Чунки нутқнинг ушбу тури репродукция ва истилоҳлардан иборат бўлиб, унга ўз фикрларини ифодалаш учун ёдлаб олинган гапларнинг бир бутунлик ҳосил қилиши, мақол ва маталларнинг қўлланилиши кабиларни киритиш мумкин. Монологик нутқнинг иккинчи тури — баёний монологик нутқ бўлиб, мазмунан оригинал, шаклан эса нооригинал ҳисобланади. Чунки бунда ўқувчи-талабалар объектга нисбатан на ўз муносабатини, на у ҳакида ўз фикрини баён қиласди. Буларга баён ёзиш, мустақил ижодий матн тузиш, тинглаб ҳикоялаш, ўтилган мавзу бўйича иншо ёзишларни киритиш мумкин. Учинчи тур — муҳокама монологик нутқ саналиб, фикрлар ҳам мазмунан, ҳам шаклан оригиналдир. Бундай вазиятда субъект сўзлаш обьектини ўзи топади, у ҳакида ўзининг шахсий фикрини баён қиласди ва ўз муносабатини билдиради. Фикр ифодалашнинг мазкур турини “тўлиқ ижодий фикр” атамаси билан тавсифлаш мумкин. Тўлиқ ижодий фикрларга эркин мавзуда ёзилган иншолар, ўқилган, тингланганлардан ёдда қолганларни сўзлаб бериш, эшитган воқеа-ҳодисаларга изоҳ бериш, кўрганларни тасвирилаб бериш кабиларни киритиш мумкин (6, 9).

О.А. Нечаева эса монологик нутқ турларини “нутқ обьекти хусусиятлари”га кўра уч асосий турга: тасвирий монолог, баёний монолог ва муҳокама монолог турларига ажратиб ўрганишни таклиф этади (14, 32-33). О.А. Нечаеванинг таклифида монологик нутқнинг ҳар учала тури обьектиning аниқлиги билан фарқланади. Олима баёний монолог, тасвирий монолог ва муҳокама монологларни ички хусусиятларига кўра тавсифлайди. Бу ўқув жараёнида монологик нутқ турларини ўргатишда қулайлиги билан ажралиб туради. Шу боис унинг фикрига қўшилган ҳолда, монологик нутқни уч турга бўлиб ўрганишни мақсадга мувофиқ деб биламиз (1.2-жадвалга қаранг).

## 1.2-жадвал.

### Монологик нутқ турларининг вазифавий-мазмуний тавсифи

Монологик нутқ турлари	Монологик нутқ вазифалари	Монологик нутқ тузилиши
<b>Баёний монолог</b> — бирон-бир объектнинг доимий ёки мунтазам такрорланувчи хусусиятлари изчилликда баён этилган нутқ кўриниши	Воқеа-ҳодисаларнинг доимий такрорланувчи хусусиятларини изчилликда кетма-кет баён этиш	Экспозиция. Тугун. Воқеалар ривожи. Кульминация. Ечим.
<b>Тасвирий монолог</b> — шахс ёки предметнинг ривожланиш жараёнидаги характеристикини ижодий тасвирловчи нутқ кўриниши	Тасвирланаётган объектнинг ички ва ташки хусусиятларини умумий тавсифлаш, у ёки бу ҳолатдаги ўзгаришларни ижодий ифодалаш	Тасвир обьекти ҳақида умумий тасаввур Тасвир обьектининг алоҳида белгилари. Муаллиф баҳоси, хулоса
<b>Мухокама монолог</b> — мулоҳаза юритишни талаб қилувчи нутқ тури бўлиб, муаммоли масала, далил-исбот, якуний хulosага келиш, мулоҳаза билдиришга ундовчи фикрлар берилиши талаб этилади	Объект, воқеа-ходисага доир муаммоли масалани ўртага қўйиш, далил-исбот келти-риш, умумий хulosаларни билдириш, шахсий мулоҳа-заларни билдиришга ундовчи фикрларни ифодалаш	У ёки бу фикр, нуқтаи назарни ифодаловчи тезис. Далил-исботлар. Мулоҳаза билдириш. Хулоса, ечим кўрсатиш

**Баёний монолог** бирон-бир объектнинг мунтазам такрорланувчи ёки доимий хусусиятлари изчилликда баён этилган боғланишли матн шаклидир. Монологнинг ушбу турида шахс ёки воқеа-ҳодисанинг мазмуни, таркиби сўзловчининг баёни услуби ёрдамида тасвирланади. Баёний монолог предикативлик, модаллик ва замон хусусиятлари билан тавсифланади, яъни унда шахс ёки предметдаги бирон-бир белги-хусусиятларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тасдиқланади. Баёний монологда воқеа-ҳодисалар ҳақоний, реал ҳолида ифодаланади, шу боис нутқнинг бу шаклида ҳозирги, ўтган, келаси замон феъл шаклларидан фақат биттасигина қўлланиши мумкин, яъни турли феъл шакллари бир вақтнинг ўзида қўллана олмайди.

**Тасвирий монолог** баёний матннинг акси бўлиб, шахс ёки предметларнинг ривожланиш жараёнидаги ҳолати ҳақидаги ахборотларни ўзида мужассам этувчи нутқ кўринишидир. Агар баёний матн предметдаги доимий белгиларни санаш вазифасини бажаргани боис турғунлиги билан характерланса, тасвирий матн ўзгарувчан ва ўсувланиши билан тавсифланади ва нутқ ўсиб борувчи воқеа-жараёнларни ифодаловчи бир-бирига боғланган гаплар занжиридан иборат бўлади. Тасвирий монолог ижодийлиги билан фарқланади, унда тасвирий воситалар, ҳиссий-бўёқдор сўзлар кўп қўлланади.

**Мухокама монолог** мулоҳаза юритишни талаб қилувчи алоҳида матн тури бўлиб, бундай нутқ мазмунида муаммоли масала, далил-исбот, якуний хulosага келиш, мулоҳаза билдиришга ундовчи фикрлар

берилиши талаб этилади. Мұхокама монологик нұтқ тури бүйіча әнг күп учрайдиган монолог тури баҳс-мунозара, тақдимот, тақриз ва муаммоли маъруза эканлигини таъкидлаш мүмкін.

Айтиш жоизки, ўқувчи-талабалар оғзаки нұтқида баён, ҳикоя қилиш (бўлиб ўтган воқеа-ходисалар бўйича), тушунтириш (бажарилиши керак бўлган топшириқ, вазифа бўйича ва х.з.), ишонтириш характеристидаги монологик нұтқлар кўп учрайди. Олий таълимда монологик матнларнинг маъруза (ўқув маърузаси, илмий маъруза, ҳисобот маърузаси) ва расмий нұтқлар (кириш сўзи, чиқишилар) турлари ҳам фаол қўлланишини қайд қилиш жоиз.

Иккинчи тил таълимида, хусусан, ўзбек тили таълимида монологик нұтққа ўргатиш мухим амалий аҳамиятга эга. Умумий ўрта таълим босқичининг таълим бошқа тилларда, хусусан, рус тилида олиб бориладиган мактаблари учун давлат таълим стандартларида монологик нұтқ бўйича ўқувчининг ўзбек тилида ўз оиласи, дўстлари, тенгдошлари, қизиқишилари кабилар хақида баён этиш, ўзлари яшайдиган шахар ёки қишлоқ, кўча, мактаб ва синфоналарини тасвирашни билиш малакаларига эга бўлишлари кўзда тутилган.

Рус олими Л.В. Шчерба монологик нұтққа маҳсус ўргатишнинг мухимлигини таъкидлаб шундай ёзади: “Агар нарсаларнинг мазмун-моҳиятига чукурроқ назар ташлайдиган бўлсақ, адабий тилнинг асоси бу диалогга қарама-қарши қўйилган монологдир. Монологик нұтқ фикрларнинг оғзаки шаклда жамланган тизими бўлиб, унинг функционал вазифаси атрофдагиларга кўзда тутилган таъсирни ўтказишидир. Ҳар қандай монолог адабий асарнинг ибтидоси (куртаги)дир. Демак, монологик нұтққа ўргатиш зарурлиги бежиз эмас” (19, 115). Куйида монологик нұтқнинг психолингвистик ва функционал хусусиятларини жадвалда беришга ҳаракат қилдик (1.3-жадвалга қараган).

### 1.3-жадвал

**Монологик нұтқнинг психолингвистик ва функционал хусусиятлари**

<b>Монологик нұтқнинг психолингвистик хусусиятлари</b>	
Ички ва ташқи.	
Тайёрланган ва тайёрланмаган.	
Якка шахсга хослик.	
Бир томонлама мулокот.	
Яхлитлик, ихтиёрийлик, муайян мақсадга йўналтирилганлик.	
Боғланишилиқ, узвийлик, мантиқий изчиллик, контекстуаллик.	
Грамматик тўғри шаклланганлик, нутқий моделларнинг хилмачиллиги, синтактик конструкциялар билан уйғунлиги.	
Фикрларнинг тўлиқлиги, кенглиги, тугалланганлиги.	
Боғловчи воситаларнинг мавжудлиги.	
Товуш воситалари билан боғлиқ ифодавийлик, таъсирчанлик	
<b>Монологик нұтқнинг функционал хусусиятлари</b>	
Баённи монолог	
Тасвирий монолог	
Мұхокама монолог	

**Хулоса.** Монологик нұтқ якка шахс томонидан баён этилаётган воқеа-ходиса, нарса ёки шахсни тавсифлаш, тасвираш, у ҳақда хабар, маълумотни муайян мантиқий изчилликда ва узвий боғлиқ ҳолда

беришга асосланган боғланишли нутқ тури бўлиб, бир вақтнинг ўзида мантиқий ва лисоний дастурни амалга ошириш орқали юзага келади. Ушбу нутқ тури диалогик нутқка нисбатан психологик ва лисоний жиҳатдан анча мураккаб жараён бўлиб, сўзловчиidan ўз фикрларини аниқ, ўзаро изчил ва узвий боғлиқлиқда ифодалаш кўнинмаларини, яъни матн ҳеч қандай узилишларсиз, ортиқча тўхтамларсиз айтилиши учун олдинги гапни айтиш жараённида кейинги гап мазмунини ўйлаш ва унга мос ифода воситаларини режалаштириб олишдан иборат узлуксиз жараённи ўзлаштирган бўлиш талаб этади. Боғланишли нутқнинг юзага келиш жараёнларини ўрганиш ички нутқни дастурлаш воситасида ташки нутқда ифодалаш — нутққа тайёрлов — нутқнинг хомаки вариантини трансформациялаш — нутқ жараёнидан иборат кетма-кетликни таъминлашни тақозо этади. Нутқий фаолиятнинг монологик тури ҳамиша тилшунослар, психологлар, методистлар дикқат-эътиборида бўлган ва турли таснифлар асосида ўрганилган. Хусусан, монологик нутқнинг баёний монолог (бирон-бир объектнинг мунтазам тақорланивчи ёки доимий хусусиятлари изчилликда баён этилган боғланишли матн шакли), тасвирий монолог (шахс ёки предметларнинг ривожланиш жараёнидаги ҳолати ҳақидаги ахборотларни ўзида мужассам этувчи нутқ кўриниши), муҳокама монолог (мулоҳаза юритишни талаб қилувчи алоҳида матн тури) турлари иккинчи тил таълимида монологик нутққа ўргатишда муҳим амалий аҳамиятга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Антонова И.И. Критерии и нормы оценок монологической речи // Иностранные языки в школе, 2012. — № 4. Вып. 5. — С. 72-80.
2. Вильгельм фон Гумбольдт. Избранные труды по языкоznанию. 2-е издание. — М.: Прогресс, 2000. — 396 с.
3. Виноградов В.В. Теория художественной речи. — М.: 2003. — 180 с.
4. Волкова Л.В. Обучение грамматически правильной речи литературно-разговорного стиля на 2 этапе языкового вуза (франц. язық). Дисс. канд. пед. наук. — М., 1985. — 217 с.
5. Головань И.В. Обучение креативной письменной речи на второй ступени общего образования: на материале немецкого языка: Дисс. ...канд. пед. наук. — М., 2008. — 195 с.
6. Душкова Н.Н. Обучение творческому монологическому высказыванию учащихся старших классов средней общеобразовательной школы с использованием метода проектов (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. — М., 2009.
7. Зимняя И.А. Лингвопсихология речевой деятельности. — М.: Московский психолого-социальный институт, Воронеж: НПО «МОДЭК», 2001. — 432 с.
8. Зимняя И.А. Психология обучения иностранным языкам в школе. — М.: Просвещение, 1991. — 222 с.
9. Колмакова О. А. Методика обучения иноязычному научному выступлению будущих экономистов-международников (английский язык): автореф. дис. ... канд. пед. наук: спец. 13.00.02 «Теория и методика обучения и воспитания» / О. А. Колмакова. — Иркутск, 2008. — 22 с.
10. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания. 4-е изд. — М.: URSS, 2007. — 306 с.

11. Леонтьев А.А. Язык, речь и речевая деятельность / 6-е издание. — М.: Красанд, 2010. — 216 с.
12. Леонтьев А.А. Лекции по общей психологии. — М: Изд-во Смысл, 2000. — 506 с.
13. Мухиддинов А.Ғ. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. — Т: Ўқитувчи, 1995. — 78 б.
14. Назарова А. В. Методика обучения студентов бакалавриата педагогического вуза иноязычной монологической речи на основе междисциплинарной интеграции: Дисс. ... канд. пед. наук. — Пермь, 2018. — 167 с.
15. Пассов Е.И. Методология методики: Теория и опыт применения. — Липецк: Изд-во ЛГПУ, 2002. — 287 с.
16. Рогова Г.В. Методика обучения иностранным языкам в средней школе/ Г.В. Рогова, Ф.М. Рабинович, Т.Е. Сахарова. — М.: Просвещение, 1991. — 287 с.
17. Содиков. А. Умумий тилшунослик. — Т.: BAYOZ, 2014. — 200 б.
18. Тарлаковская Е.А. Обучение студентов лингвистического вуза способами реализации функции воздействия монологической речи: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. — Новгород, 2009.
19. Щерба Л.В. Преподавание иностранных языков в средней школе // Общие вопросы методики. — М., 2001. — 160 с.

### References

1. Antonova I.I. *Inostrannye yazyki v shkole*, 2012, No. 4, (5), pp. 72-80.
2. Vil'gelm fon Gumbol'dt. *Izbrannye trudy po yazykoznaniiyu. 2-e izdanie* (Selected works on linguistics. 2nd edition), Moscow: Progress, 2000, 396 p.
3. Vinogradov V.V. *Teoriya khudozhestvennoi rechi* (Theory of artistic speech) Moscow, 2003, 180 p.
4. Volkova L.V. *Obuchenie grammaticheski pravil'noi rechi literaturno-razgovornogo stilya na 2 etape yazykovogo vuza (frants. yazyk)* (Teaching grammatically correct speech of literary and colloquial style at the 2nd stage of a language university (French. language)): candidate's thesis, Moscow, 1985, 217 p.
5. Golovan' I.V. *Obuchenie kreativnoi pis'mennoi rechi na vtoroi stupeni obshchego obrazovaniya: na materiale nemetskogo yazyka* (Teaching creative writing at the second stage of general education: based on the material of the German language): candidate's thesis, Moscow, 2008, 195 p.
6. Dushkova N.N. *Obuchenie tvorcheskому monologicheskomu vyskazyvaniyu uchashchikhsya starshikh klassov srednei obshcheobrazovatel'noi shkoly s ispol'zovaniem metoda proektov (na materiale angliiskogo yazyka)* (Teaching creative monologue utterance to senior secondary school students using the project method (based on the material of the English language)): Extended abstract of candidate's thesis, Moscow, 2009.
7. Zimnyaya I.A. *Lingvopsikhologiya rechevoi deyatel'nosti* (Linguopsychology of speech activity), M.: MPSI, Voronezh: NPO MODEK, 2001, 432 p.
8. Zimnyaya I.A. *Psikhologiya obucheniya inostrannym yazykam v shkole* (Psychology of teaching foreign languages at school), Moscow: Prosveshchenie, 1991, 222 p.
9. Kolmakova O. A. *Metodika obucheniya inoyazychnomu nauchnomu vystupleniyu budushchikh ekonomistov-mezhdunarodnikov (angliiskii yazyk)* (Methods of teaching foreign-language scientific presentation of

- future international economists (English)): Extended abstract of candidate's thesis, Irkutsk, 2008, 22 p.
10. Leont'ev A.A. *Psikholingvisticheskie edinitsy i porozhdenie rechevogo vyskazyvaniya. 4-e izdanie* (Psycholinguistic units and the generation of speech utterance. 4th edition), Moscow: URSS, 2007, 306 p.
11. Leont'ev A.A. *Yazyk, rech' i rechevaya deyatelnost'*. 6-e izdanie (Language, speech and speech activity. 6th edition), Moscow: Krasand, 2010, 216 p.
12. Leont'ev A.A. *Lektsii po obshchei psikhologii* (Lectures on general psychology), Moscow: Smysl, 2000, 506 p.
13. Muhiddinov A.G. *Ukuv zharaenida nutk faoliyati* (Speech activity in the educational process), Tashkent: Ukituvchi, 1995, 78 p.
14. Nazarova A. V. *Metodika obucheniya studentov bakalavriata pedagogicheskogo vuza inoyazychnoi monologicheskoi rechi na osnove mezhdisciplinarnoi integratsii* (Methodology of teaching students of a pedagogical university in a foreign language monologue speech based on multidisciplinary integration): candidate's thesis, Perm', 2018, 167 p.
15. Passov E.I. *Metodologiya metodiki: Teoriya i opyt primeneniya* (Methodology of the methodology: Theory and application experience), Lipetsk: LGPU, 2002, 287 p.
16. Rogova G.V. *Metodika obucheniya inostrannym yazykam v srednei shkole* (Methods of teaching foreign languages in secondary school), Moscow: Prosveshchenie, 1991, 287 p.
17. Sodikov A. *Umumii tilshunoslik* (General Linguistics), Tashkent: BAYOZ, 2014, 200 p.
18. Tarlakovskaya E.A. *Obuchenie studentov lingvisticheskogo vuza sposobam realizatsii funktsii vozdeistviya monologicheskoi rechi* (Teaching students of a linguistic university how to implement the function of the impact of monologue speech): Extended abstract of candidate's thesis, Novgorod, 2009.
19. Shcherba L.V. *Prepodavanie inostrannykh yazykov v srednei shkole. Obshchie voprosy metodiki* (Teaching foreign languages in secondary school. General questions of methodology), Moscow, 2001, 160 p.